

# Хижолатдан қутулишнинг ажойиб йўли



14:33 / 19.07.2020 3082

????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????  
?????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????: ??????  
????????? ?????????? ??? ?????????? ??????????????  
????????? ?????? ??????????????. ?????? ?????? ??????  
????????? ?????? ??????????

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз намозида таҳоратини кетказиб қўйса, бурнини ушласин-да, сўнгра (қайрилиб) чиқиб кетсин», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилганлар.

Шарҳ: Намоз ўқиб турганда ел чиқиб, таҳорати кетиб қолса, намозни давом эттириб бўлмаслигини шу ҳадисдан билиб оламиз. Чунки ундан одамда таҳорат қолмайди. Қасддан таҳоратсиз намоз ўқиш эса куфрdir.

Албатта, инсондан ел чиқиши уят, уни обрўсизлантирадиган иш. Намоздан шундай чиқиб кетиш одамларда шубҳа туғдириши ёки обрўсининг тўклишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай ноқулай ҳолатга тушган одамга хижолатдан қутулишнинг ажойиб йўлини ўргатмоқдалар:

«Бурнини ушласин-да, сўнгра (қайрилиб) чиқиб кетсин».

Шунда одамлар унинг бурни қонаб кетибди, деб ўйлашади. У эса уятдан қутулади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**